

# Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2021 йил 1 июнь  
сешанба  
№ 22 (1278)

www.hudud24.uz  
insonvaqonun@adliya.uz  
fb.com/hudud24official/  
t.me/hudud24official/

"ҒАЛАБА БОҒИ ФАЛСАФАСИ"  
ЁХУД ТАРИХИЙ АДОЛАТ  
ТАНТАНАСИ ҲАҚИДАГИ КИТОБ



8-БЕТ



ВАКТСИЗЛИК БЎРОНИДА ЁХУД  
ОДАМНИ НИМА АСРАЙДИ? 2-БЕТ

ЯНГИ МЕТОД: БУЙРУК  
БОШҚА, ҲАЁТ БОШҚА...МИ? 3-БЕТ

ФОШ БЎЛГАН  
ШУМ НИЯТ 7-БЕТ

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

## Инсониятни БОЛАЛАРСИЗ БУНЧАЛИК СЕВИБ БЎЛМАСДИ!

Ха, буюк ёзувчи ва файласуф Фёдор Достоевский минг карра ҳақ: "Инсониятни болаларсиз бунчалик севиб бўлмасди!" Болалар ҳақиқий мўъжизанинг ўзи. Уларсиз яшаб бўлмайди. Улар бизнинг бахтимиз, ҳаётимиз мазмуни. Уларни бошимиздан баландга кўтаришимизнинг, юрагимиз тўрида ардоқлашимизнинг, кипригимизда асрашимизнинг буюк ҳикмати бор.

Ҳар йили 1 июни Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни сифатида нишонлаймиз. Болаларга олам-олам қувончлар ҳада қилаётган ушбу кун 1925 йил Женевада болалар фаровонлигига бағишланган Бутунжаҳон конференциясида таъсис этилган. 1950 йилдан буён эса байрам сифатида нишонланиб келинади.

### БОЛАЛАР ДУНЁСИ...

Бу дунё шунчалар беғуборки, кўриб кўзинг қамашади, қувончдан юрагинг ҳаприқиб кетади. Ширин табассумидан олам ёришгандек бўлади. Ҳа, шунинг учун ҳам барча яхши нарсаларни болажонларга беришни улуг бир қадриятга айлантирганмиз. Ва ана шу қадриятлар бизни жуда кўпга ёмонликлардан, нотўғри йўллардан, кераксиз ҳаёллардан асрайди. Улар бизни яшаб, энг оғир дамларда ҳам қудратли бўлишга ундайди.



5-БЕТ



## ЎЗБЕКИСТОН НОТАРИАТИ ХОРИЖНИНГ КЎПГИНА ДАВЛАТЛАРИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

ҲАЁТ ҳамиша у ёки бу тасо-дифлардан, қувонч ва ташвишлардан иборат. Утмишда ҳам, бугун ҳам ҳар бир қадамимизнинг қонуний асоси нотариал идорада муҳрланади, шаҳодатланади. Меросми ёки мулк ҳуқуқими, ишончли ишончномаларми, ҳадыларми, турли йўналишдаги шартномаларми ва ҳатто оддийгина ҳужжатлар нусхасини тасдиқлаш ҳам ана шу идора зиммасида.

Мазкур соҳа адлия тизимининг доимий янгиланиши, замонавий хизматлар турини тақдим этишни талаб қиладиган соҳасига айланади.

Таъ олиш керак, бу соҳа илга-

ри фақат қоғоздаги ҳужжатларга асосланган ва энг ачинарлиси, коррупциялашган тармоқ бўлгани аниқ. Бугунги кунга келиб соҳа тамоман электронлаштирилиб, энг шаффоф тизимлардан бирига айланмоқда.

"Notarius" (<https://e-notarius.uz>) электрон тизими орқали нотариал ҳаракатлар билан боғлиқ барча маълумотларни олиш, электрон навбатга ёзилиш мумкин. Ҳар бир нотариуснинг ҳаракати мазкур тизимда акс этиши уларни ҳалол рақобат муҳитида фақат қонуний ишлашга ўргатмоқда.

Хусусий нотариуслар ташкил этилгани, бугунги кунда улар-

нинг сони ортиб бораётгани, тизимни Нотариуслар палатаси мувофиқлаштириб бораётгани, муаммолар тезкорлик билан ҳал этилаётгани аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни таъминламоқда.

Айниқса, халқаро ҳамкорлик алоқалари, илғор тажрибаларни миллий амалиётга жорий этишга қаратилган савб-ҳаракатлар нотариал соҳанинг ривожига муҳим ўрин тутмоқда. Қолаверса, бундай ҳамкорлик хорижий давлатларда фаолият юритаётган фуқароларимизга ҳам қулайлик яратиши табиий.

3-БЕТ



Эсседан парча

# ВАҚТ СИЗЛИК БЎРОНИДА

Бутун Инсон шошаяпти. Лекин ҳеч нарсага улгуролмаяпти. Сабаби — вақт зик, Вақт йўқ, Тараққиётнинг ҳало-катли уммониди жони ҳалак. Елади, югуради. Тонг отади — кун ботади. Лаҳзада умрнинг бир кунни кетади. Цивилизация гўёки инсоннинг оғирини енгил, узогини яқин қилаётгандай. Ҳа, цивилизация узокни яқинимизга олиб келди — дунёнинг нариги бурчи аҳмоқларга ҳам бир қадам бўлиб қолди... Нега унда биз ҳеч нарса, кўп нарса қилишга тантана қилмоқда? Тараққиёт вақтимизми? Тараққиёт, наҳотки, вақтимиз қисқариши эвазига тантана қилмоқда? Тараққиёт вақтимизни емириб бораётими? Дунё кашфиётлари вақтни тобора қисқартириши эвазига содир бўлаяптимикин? Наҳотки, нимадир йўқолиши эвазига нимадир пайдо бўлса?

## ёхуд одамни нима асрайди?

Биз нимани йўқотаямиз? Оддийгина одамгарчиликни йўқотаямиз. Кўнгил хотиржамлигини, қалб оромини, дийдор завқини йўқотаямиз. Меҳр ришталари мустаҳкам кунлар минг чақирим йўлга отланганмиз. Яқинларимиз рухсорини кўриш, кексаларимиз дуосини олишга ошиққанмиз, ҳамма-ҳаммасига тўй-таъзияга улгурганмиз. Бугун-чи, бугун? Кишлоқдами-шаҳардами, чўлдами-сахродами, қаерда бўлмайлик, цивилизация олисни оғғимиз остига олиб келиб ташлади — мана, кўлтелефон бор, онамизга кўнғирок қиламиз, синглимизга SMS жўнатамиз, опамизга интернет орқали хат йўллаймиз, ҳа шундай, олиснинг муаммоси қолмади. Бирок шундай бўлса-да, нега вақтимиз зик, нега вақтимиз етмайпти, ўйлаясизми, нега ботинимизда аллақандай ришталар узилиб бораётганга ўхшайди?.. Ахир, биз яқинларимизнинг ёниқ нигоҳига кўз тикиб юзма-юз сўзлашиб, уларнинг дийдорига тўйишдан кўра, емирилаётган вақтимиз касрига цивилизация матохларига тобора боғланиб қолмаяпмизми? Цивилизация вақтимизни кўшиб ўзимизни ҳам емириб бормаяптимикин? Одамга хос бўлган азиз туйғулар ва ҳиссиётларга чанг солувчи ҳар қандай кашфиёт одамга сиртдан нечоғлик хизмат қилма-

син, барибир одамнинг душманига айланиб қолади. Бугун, эртага, индин, қачон бўлмасин, одамни тамаддун (цивилизация) маҳсули — интернет ҳам, бошқа ўта замонавий қурилмалар ҳам, ҳатто манави кўлтелефонлар ҳам кутқаролмайди — одамни одамга бўлган меҳр, инсонлар орасидаги самимий илик муносабатлар асраб қолади. Агар ер юзида кашф этилган, мақсад-илдаоси инсониятга зуғум ва таҳлика туғдириб, она сайёрамизнинг қок юрагига қаратилган қурул яроғларни ҳам инобатга оладиган бўлсак, XXI аср тамаддуни аллақачон инсоният измига бўйсунмай қўйганлигини ҳис қиламиз. Заминни “порох бочка”си устига ўтқазинишга уринган цивилизациянинг совуқ кашфиётлари муккасидан кетганлар эмас, Леонардо да Винчининг битта суварти-ю, Навойнинг “Ҳамса”сини қарши қўяётган, қалбида ёниқ туйғулар олови ўчмаган инсоният бу ҳаётни давом эттиришига ишонаман.

Инсоннинг қалби, руҳияти кенгликлари, туйғу ва ҳиссиётлари инсон билимнинг маҳсули бўлган нимарсаларга, цивилизация унсурларига ҳеч қачон кўчиб ўтмайди. Бирок бу кашфиётлар бизни ўз измига бўйсундириб, ўз қомига оҳанрабо янглиг тортиб оларкан, XXI асрни кашфиётлар асри, деб эмас, инсониятнинг йўқотиши асри, инсоннинг инсонийликдан узоклашиб асри, деб тушунаман. Тўғри, бугун ҳамма нарса бор... Бирок вақт йўқ... Вақтимизни цивилизация йўригига мослашиб учун сарфлаямиз.

Балки, Сиз цивилизацияни хозирги глобаллашув жараёни — дунёнинг яхлитлашуви мезони, деб ўйларсиз. Фикрингизга қўшилиман. Бани-башар бахт-иқболи, тинчлик-осойишталик, эзгулик йўлидаги глобаллашув учун хайрихоҳмиз. Бирок ҳинд халқининг севиқли фарзанди Махатма Ганди айтгани каби ташқаридан соф ҳаво, кўёш нури кирсин, деб уйимиз дераза-эшиқларини очиб

қўйсақ, ичкарига ўрлаб уйимиз томини учириб, бизни хонавайрон қилиб кетадиган бўрон янглиг тўс-тўполонли глобаллашув тарафдори эмасмиз. Умуман олганда, ахлоқ, маънавият ва маданият бир халқ ёки миллатга тегишли ўзлик тушунчасига соя ташлайдиган жиҳатни глобаллашув, деб бўлмайди. Шунингдек, миллатимизга хос улуг фазилат ва менталитет ўзга таснифдаги маданият, маънавият, ўзгача урф-одат ва ғайри қарашлар билан чатишиб кетмайди ҳам. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Глобаллашув ҳеч қачон бир жойдан бир жойга ғоя ташимаслиги керак. Ўзимиз киядиган тўнни бировга қараб, ўзгача ўлчаб бичганимиз маъқул эмас. Цивилизация бизнинг хонадонларимизга ёт мафкура уруғларини ташлаб кетаётганини ҳаммамиз ҳам англаб етайпимизми?

Цивилизация фарзандимиз, несварамиз-чеварамиз онгига ўзгача қарашларни синдираётганини фаҳмлаяпмизми? Йўқ. Чунки бу тўс-тўполонли асрада, глобаллашув бўрони остида бу ҳақда ўйлаш, мушоҳада қилиб кўришга бизнинг вақтимиз йўқ. Вақтимиз зик, Юқориди айтганимиз каби давр шиддатли бизни вақт чархпалагида чирпирак қилмоқда. Ҳатто, фарзандимиз билан тузукрок суҳбатлашишга ҳам вақтимиз йўқ. Нега? Ўйлаб кўрганмисиз? Йўқ, вақтингиз йўқ! Вақтингиз зик! Ўғлингиз ё набиранингиз “Қашқирлар макони”даги Пўлат Аландарга ҳавас қилади. Мурғак қалбига мардлик ва жасорат зўравонликда, деган фикр сингаяпти. Сезаяпсизми, ғоя ташиган цивилизация нима қилаяпти? Йўқ, ўйлаб кўришга вақтимиз йўқ. Вақтимиз зик.

Китоб ўқиш эскирмоқдами? Шу йўлда сарфланмаган умр умрми? Ҳа, бепарвоимиз. Чунки парво қилишга арзимайди, деб қўл силтаймиз. Сабаби, ўйлаб кўришга вақтимиз йўқ. Дунёнинг қайси бир бурчагида бўлаётган анжуманга, фойдаси тегиб-тегмайдиган йиғинга боришга вақт топамиз. Бу дунёда борлигимизни билдириб қўйгимиз келади. Лекин маҳалламиздаги бетон Қўлмат акани кўришга вақт қайда? Аллақайси

давлатдаги анжуманга бир кун олдин етиб борамиз, бандликни бажо келтирган кишлоқдошимиз раҳматли Қумри холанинг фотиҳасига боришга вақт тополмаймиз. Вақт қайда? Йўл узок. Ўғли ёки набирасидан яна ўша кўлтелефон орқали хол сўраб қўйишдан нийманмаймиз. Шу даражагача бориб етаймиз...

Сезмаяпмиз, шовқин асри, ҳиссилик бўҳрони кўнглимизни маҳз етаяпти. Бу вақтсизлик, вақт етишмаслик шовқини! Франциянинг Страсбург шаҳрида бўлиб ўтган дунё шоирлари анжуманида фаранг шоираси нолиб қолди: “Асримиз шиддатли. Вақтимиз эса, зик. Биз ҳеч нарсага улгуролмаяпмиз...” Қозоқ шоири, “Адашган тараққиёт” достони муаллифи машҳур Мухтор Шохонов мийғинга қулиб, охишта шундай жавоб қайтарди: “Вақт югурмаяпти. Фақат инсониятнинг кўнгли осойиш ва хотиржам эмас, кўнгли хотиржамлиги етишмаяпти инсониятга...” Хоним таажжубланди: “Бу нима деганингиз?” Мухтор ога муддаога кўчди: “Дунё алаҳсияпти. Шунинг учун одамият кўнгли саросимага тушиб қолди. Масалан, қўлингиздаги қадаҳни ичиб тутатсангиз, кайфиятнингиз тетиклашади. Иккинчиси беҳузур қилади. Учинчиси эса, алаҳсияти. Дунё ҳам худди шундай. Керагидан ортиқча, инсоннинг юрак зарбига қарши, ҳиссиётларига қарши ортиқча кашфиётлар қомида алаҳсиб ётибди. Шундай экан, ўзини ўнглашга қийналаётган одамзот вақтни қандай қилиб ўз измига бўйсундира олсин, одамзотнинг қасрдан ҳам бўш вақти бўлсин...” Хоним анграйиб қолди. Шарқона жавоб уни эсанқиратиб қўйди.

“Инсонни енгиб бўлмайди”, дейди улуг ёзувчи Хемингуэй. Менинг назаримда инсонни енгиб бўлади. Инсонни енгил учун уни ўзидан узоклаштириш керак. Ўзидан узоклашган осонгина ўзгача бўйсунди. Бугунги тамаддун бизга дунёни яқин қилиб қўйди. Дунё яқинлашгани сайин эса биз ўзимиздан узоклашиб бораётгандаймиз. Олислашган ўзликни қайтаришга вақтимиз етармикин? Наҳотки, шунчалар вақтимиз зик бўлса?



БУХОРО

БУХОРО шаҳридаги Ш.Руставели кўчасида яшовчи ишсиз фуқаро Истам Жумаев шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига ишсизлик нафақаси тайинлашини сўраб, икки ой олдин мурожаат қилган. И.Жумаевга шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан пластик карта очилган, ammo ишсизлик нафақаси тўлаб берилмаган.

## АҲОЛИ БАНДЛИГИГА КЎМАКЛАШИШ МАРКАЗИ ЭЪТИБОРИДАН ЧЕТДА ҚОЛГАН МУРОЖААТ

Маълумки, шахсни ишсиз, деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор маҳаллий меҳнат органининг буйруғи билан расмийлаштирилади, ушбу буйруқ бир вақтнинг ўзида ишсизлик нафақаси тайинлаш тўғрисидаги буйруқ ҳисобланади. Буйруқда ишсизлик нафақасининг миқдори ва уни ҳисоблаш санаси кўрсатилади.

Ишсиз, деб эътироф этилган шахс қабул қилинган қарор тўғрисида мазкур қарор қабул қилинганидан кейин икки кунлик муддатдан кечиктирмай ёзма равишда ёки телефон, электрон почта орқали хабардор қилиниши керак.

Афсуски, шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази қонунчилигимизда ўз аксини топган — иш қидираётган шахсга у рўйхатга олинган кундан эътиборан дастлабки ўн кун ичида мақбул келадиган иш таклиф этилмаган бўлса ёки маҳаллий меҳнат органи мазкур шахс ишга жойлаштириш учун юборилган ташкилотдан рад жавобини олган бўлса, шахсни ишсиз, деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор у иш қидираётган шахс сифатида рўйхатга олинган кундан эътиборан ўн биринчи кундан кечиктирмай маҳаллий меҳнат органи томонидан қабул қилиниши кераклигини эъти-

бордан четда қолдирган.

Мазкур муаммо адлия аралашуви билан ижобий ҳал этилди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолати юзасидан Бухоро шаҳар Аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказига тақдимнома киритилиб, фуқаро ишсизлар рўйхатига олиниб, қўшимча равишда юборилган сўровга кўра, у ишсиз, деб эътироф этилди ва унга ҳар ойда 747 минг 300 сўм миқдорда ишсизлик нафақаси тайинланди.

**Абдурахимхўжа БАФАЕВ,**  
Бухоро шаҳар адлия бўлими бошлиғи

САМАРҚАНД



## ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИДАН НЕГА НОРОЗИ БЎЛИШМОҚДА?

**ЖОМБОЙ** туман адлия бўлимига тумандаги 13 та умумтаълим мактабининг 16 нафар ўқитувчиси болаларни уйда ўқитган ўқитувчиларга тўланадиган йўл ҳақи компенсацияси тўлаб берилмаётганлигидан норози бўлиб, мурожаат қилган.

Туман адлия бўлими томонидан мазкур мурожаатни ўрганиш давомида "Полвонарик", "Наймантепа", "Журият", "Тут", "Қўнғирот", "Самарқанд", "Хитойпоён", "Деҳқонобод", "Найман" маҳаллалари ҳудудида жойлашган мактаблардаги 16 нафар ўқитувчига йўл ҳақи компенсацияси тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Халқ таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликларининг қўшма қарори билан тасдиқланган "Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсон бўлган ҳамда узоқ вақт даволаштига муҳтож болаларнинг уйда яқка тартибда таълим олишларини ташкил этиш тартиби тўғрисида"ги Низомга асосан ана шундай жисмоний нуқсонга

эга бўлган ўқувчиларнинг уйда таълим бераётган ўқитувчиларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қўшимча ҳақ ва йўл ҳақи компенсацияси тўланиши белгиланган.

Мазкур ҳолат юзасидан туман адлия бўлими томонидан фуқаролик ишлари бўйича Жомбой туманлараро судига даъво аризалари киритилди. Суднинг 2021 йил 10 майдаги буйруғига асосан туман халқ таълими бўлими зиммасига 16 нафар ўқитувчига жами 47 миллион 973 минг сўм миқдордаги йўл ҳақи компенсацияларини тўлаб бериш мажбурияти юклатилди.

**Абдуғани ИСРОИЛОВ,**  
Жомбой туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

ҚАШҚАДАРЁ

## 242 МИЛЛИОН СЎМЛИК ИШ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

КАСБИ туман адлия бўлими томонидан туман Йўллардан фойдаланиш корхонасидаги 40 нафар ходимнинг 2019 йилдан қолиб кетган иш ҳақларини ундириб беришда амалий ёрдам сўраб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Касби туманлараро судига даъво аризаси киритилиб, ходимларнинг 2019 йилдан қолиб кетган иш ҳақини ундириш юзасидан суд қарори чиқарилди.

Натижада 40 нафар фуқарога жами 242 миллион сўмдан ортиқ иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ундириб берилди.

**Маъруф СИРОЖОВ,**  
Касби туман адлия бўлими етакчи маслаҳатчиси

НАВОЙЙ

Нурота туман адлия бўлими томонидан туман тиббиёт бирлашмасида доя вазифасида ишловчи Г.Болиеванинг меҳнат ҳуқуқлари бузилганлигидан норози бўлиб йўллаган мурожаати ўрганиб чиқилди.

## ЯНГИ МЕТОД: БУЙРУҚ БОШҚА, ҲАЁТ БОШҚА...МИ?

Болиева доями, ёки чақалоқлар ҳамширасими?



Аниқланишича, Г.Болиева 1991 йилдан тиббиёт бирлашмасининг туғруқ бўлимида 1.0 штат бирлигида доя вазифасида ишлаб келган, 2008 йилда 1.0 штат бирлиги 0.75 штат бирлигига асоссиз равишда ўзгартирилган ва бу ҳақда меҳнат дафтарида тегишли ёзув киритилмаган.

Шунингдек, тиббиёт бирлашмаси туғруқ бўлимида доя вазифасида ишлаб келаётган Г.Болиева хабардор қилинмасдан бирлашма бошлигининг 2016 йил 1 июлдаги буйруғи билан "чақалоқлар ҳамшираси" вазифасига ўтказилган бўлсада, у ҳозирги кунга қадар "доялик" вазифасида ишлаб келган. Бироқ, Г.Болиевага буйруққа асосан "чақалоқлар ҳамшираси" вазифаси учун иш ҳақи тўлаб берилган.

Меҳнат кодексининг 89-моддасида иш берувчи меҳнат шартларидаги бўлажак ўзгаришлар ҳақида ходимни камида икки ой олдин ёзма равишда огоҳлантириб тилхат олиши шарт эканлиги, кўрсатилган муддатни қисқартиришга фақат ходимнинг розилиги билан йўл қўйилиши, 275-моддасида эса, иш берувчи ходимнинг пул ундиришга доир талабларини ҳеч қандай муҳлат билан чекламай, ҳамма вақт учун қондиришга ҳақли эканлиги белгиланган.

Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи номига киритилган тақдимномага асосан фуқаро Г.Болиевага 8 миллион 341 минг 928 сўм қўшимча иш ҳақлари ундириб берилиши таъминланди.

**Умид СУВОНОВ,**  
Нурота туман адлия бўлими бошлиғи



Давоми. Бошлониши 1-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН НОТАРИАТИ ХОРИЖНИНГ КЎПГИНА ДАВЛАТЛАРИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛМОҚДА

Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган II-Халқаро юридик форумда ҳам электрон нотариатни жорий этиш муҳимлиги, уни такомиллаштириш бўйича Германия нотариуслари Федерал палатаси, Литва, Украина ва Россия Нотариал палаталари раҳбарлари ҳамда бир қатор хорижий давлатлар нотариал палатаси етакчилари билан ўзаро тажриба алмашилди.

Ўзбекистон Нотариуслар палатаси Бутунжаҳон Нотариуслар иттифоқи билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилш баробарида ривожланган давлатлар Нотариуслар палаталари билан ҳам фаол мулоқот олиб бормоқда. Бу каби ютуқлар хорижий

оммавий ахборот воситалари эътиборига тушиб, улар Ўзбекистон нотариуслари ҳақида мақолалар чоп этмоқда. Хусусан, яқинда Италиянинг "Gazetta di Milano" газетасида Ўзбекистон Нотариуслар палатаси раиси Дилшод Ашуровнинг миллий нотариал соҳадаги янгиланишлар ҳақидаги мақоласи чоп этилди.

Бундан ташқари, Италиянинг "Gazetta di Avellino", "Gazetta di Napoli", "Gazetta di Salerno" газеталарида ҳам Ўзбекистон нотариал соҳасидаги янгиланишлар ҳақида мақолалар эълон қилинди.

Бундан аввал Саудия Арабистони, Уммон қироллиги, Россия Федерацияси, Қозғистон ва

Украина давлатлари оммавий ахборот воситаларида шу каби мақолалар чоп этилган эди.

Муҳими, бу каби чиқишларда нафақат ютуқлар, балки халқаро ҳамкорлик алоқалари, хорижий давлатларда фаолият юритаётган ватандошларимизга хизмат кўрсатиш тартиблари ҳақида ҳам маълумотлар бериб борилмоқда.

Хорижда ишлаётган, ўқиётган юртдошларимизга қулайлик яратиш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида меморандумлар ҳам имзоланмоқда. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги билан ҳам ўзаро келишув шартномаси имзоланган.

Қисқа вақтда Ўзбекистон

Республикаси Нотариал палатаси Украина, Литва, Беларусь республикалари Нотариал палаталари билан ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзолаган бўлса, яқинда Қозғистон Нотариал палатаси билан ҳам ана шундай меморандум имзоланди.

Халқаро ҳамкорлик алоқалари давом эттирилади. Эътиборлиси, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Нотариал палатаси Бутунжаҳон Нотариуслар иттифоқида аъзо бўлади. Бу эса Ўзбекистон имиджини Халқаро майдонда намойиш этишга арзийдиган имкониятлардан яна биридир.

**Маруса ҲОСИЛОВА,**  
"Инсон ва қонун" мухбири



## Самарқанд вилояти ҳоқими эътиборига!



“**Майли, сув керакмас,  
газ ҳам шартмас.**

**Илтимос, шу йўлдан бир  
юринг, Ҳоқим бово...**”

**НАКУРТ жуда катта қишлоқ. Қишлоқ аҳлининг йўл билан боғлиқ муаммосини ҳал қиладиган масъуллардан ҳамон дарак йўқ. Қачонки, Пайариқ туманида ҳоқим алмашса, накуртликларнинг сўниб бораётган умиди ҳам қайта жонланади: “Балки, янги келган ҳоқим йўлимизга эътибор қаратиб қолар...”. Йўқ, янгиси ҳам эскисининг “метод”ларини қўллайдди: “Келаси йил қилямиз”, “Обод қишлоқ” дастурига киритамиз...”**

Хуллас, қуруқ ваъдалардан толган накуртликлар сўнгги умидини матбуот билан боғлади. Уларнинг айтишича, йўл муаммоси матбуотда ёритилса, энг юқоридоғи раҳбарлар ҳам бундан воқиф бўлиб, масъулларнинг танобини тортади. Ва узоқ кутилган қишлоқ йўли асфальт қилинади.

Начора, биз ҳам уларнинг сўнгги умидини сўндиргимиз келмади. Балки улар айтгандай матбуот сабаб йўли асфальт бўлиб қолар, балки кунсайин ўзи ҳам “чўкиб” бораётган матбуот халқнинг битта муаммосига елка тутганидан, ўзининг ҳали ҳам жамиятда ўрни борлигини ҳис қилар. Буёғини вақт кўрсатади. Қишлоқ аҳли ўша вақтни кутмоқда. Биз эса, ҳозир “Накурт” йўлига сафар қиламиз.



### “ИНТИЗОР” БЕКАТИДАГИ ИНТИЗОРЛАР

Пайариқ тумани марказидан “Накурт” қишлоғига йўлга чиқсангиз, то “Тўсинсой” дан Накуртга қайрилишгача текис ва раво йўлдан борасиз. Муйилишда эса, сизни “Интизор” бекати қарши олади. Аслида, “Интизор” бекатмас, у ерда узоқ йиллардан буён уйсифат дўкон гоҳ ишлаб, гоҳ ишламай туради. Қишлоққа келувчилар шу бинонинг ён-атрофидан совуқдан, иссиқдан, қор-ёмғирдан паналайди. Сабаби, қишлоққа томон юрвчи техникалар ҳадеганда келавермайди, соатлаб кутилади. Шу сабаб қишлоқликлар у жойга қорасмий

бўлса-да, “Интизор” номини берилган. Ҳозир бу ном анча машҳур, сабаби, “Интизор” бекатида узоқ вақт улов кутган киши борки, уни ҳеч қачон унутмайди.

Биз ҳам гарчи уловда бўлсак-да, “Интизор” да тўхтадик. Бекатда беш-олти киши интизор бўлиб машина кутиб ўтирган экан. Йўлнинг нариги тарафидан эса, “Накурт” қишлоғига бириктирилган “Тез ёрдам” машинасининг баллони ёрилиб, уни тузатаётган экан. Куёш тигида машина гилдирагини ечаётган ҳайдовчига савол билан юзландим:

— Нима бўлди?

— Э-э, кўрмайсизми ука? Йўлнинг аҳолини қаранг, дея асфальт парчаланиб, йўқ бўлиб кетган,

машиналар тугул одам ҳам зўрга юрадиган йўлга қарайди. Доим шу ахвол. Йўлнинг дастидан қақирилган жойга вақтида етиб боролмаймиз. Хавотир, ҳадик билан хизмат вазирамизни бажарамиз, гоҳида кечикканимиз учун ҳақорат ҳам эшитамиз. Тасаввур қилинг! Бемор оғир ахволда бўлса, уни зудлик билан марказга олиб боришимизга тўғри келади. Бу йўлда беморни олиб тез юраман десангиз, Худо сакласини ўзимиз унинг ҳаётига зомин бўлишимиз мумкин.

Ха, “Тез ёрдам” хайловчисининг гапида жон бор. Бу ғариб йўлда тез юришнинг имкони йўқ.

### ҲОҚИМДАН НОРОЗИ, ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИДАН РОЗИ ХАЛҚ

Соат тахминан ўн бирларда қишлоқдаги 37-мактабга етиб бордик. Кўпчилик шу ерда экан. Уларнинг кўзларида ҳозир туман ҳоқими ўзининг бутун аъёлини билан келади-ю, қишлоқ йўлини асфальт қилиш ишлари бошланиб кетадигандек, илинж порлаб турибди. Афсуски, ҳоқим бово “арзумаган муаммо” учун ҳам доvon ошиб бу йўллардан юриб келармиди? Яхшиям, Пайариқ туман Давлат хизматлари Маркази ходимлари ўша жойда экан. Ҳоқим, сектор раҳбари, яна айрим масъуллар жавоб берадиган аҳолини қаранг ҳам улар имкон қадар жавоб беришди.

Халққа қайишгани халқ ҳурмат қилади. Накуртликлар ҳам туман Давлат хизматлари Маркази ходимларининг беминнат хизматидан мамнун бўлиб, уларнинг ишларига омад тилаб, дуо қилишди.

Биз қишлоқ фаоллари билан гурунги йўлда давом эттирдик. Бизга ҳамроҳлик қилганлар гоҳ энтиқиб, гоҳ алам билан мени эшитинг, мени гапларимни ёзинг, дея қишлоқ йўлининг абгор ҳолини ҳикоя қилади. Куйида айримларнинг фикрларини келтириб ўтаемиз.

### ОВҚАТ ЎЧОҚДА ХАМ ПИШАВЕРАДИ

**Олтибой хожи ДЕҲҚОНОВ:**

— Биласизми, бизга нима алам қилади? Ўндан ортиқ қишлоқлар бирлашиб, катта “Накурт” қишлоғини ташкил қилади. Биз ана шу қишлоқ йўлларининг ҳар бирини асфальт қилиб беришини сўрамаймиз, бор-йўғи шу ердаги, барча қишлоқларнинг умумий фойдаланувидоғи битта асосий йўл таъмирлаб берилишини сўраймиз, ҳоло! Шу муаммомизни ҳал қилиш ҳам чўзилгандан-чўзилаётган.



Туман ҳоқимига ёзма мурожаат ҳам қилдик, оғзаки айтишнинг-ку, ками қолмади. Мурожаатларимиз, илтимосларимиз ҳавода қолди. Биз қишлоқ худудига ҳам газ қувури тортишсин, тоза ичимлик суви келтирилсин, демаймиз-ку! Буларни айтмаймиз ҳам. Чунки қишлоқ аёллари ўчоққа ўт ёқиб, суви бўлқандан, қудуқдан челақлаб ташшига ўрганган. Бундан нолимайди ҳам. Шундай экан, улар ҳам гоҳ-гоҳида сандиқда асраб юрган қўйлақларини кийиб, уёқ-буёққа бориш учун йўлга чиқканда юрган йўли-ю, ўтирган машинасида чангсиз, бўрсиз, бу ҳаётдан завқланиб юришга ҳақки бор-ку!



Яшириб нима қилдим, Юртбошимизнинг вилоятларга ташрифи чоғида кутилмаганда, белгиланмаган маҳалла-ю, қишлоқларга бораётганлигини кўриб, хар гал Самарқандга келганда бизнинг қишлоққа ҳам келиб қолармиканлар, деб умид қиламиз. Чунки кўра-ямиз, ўқиямиз Президент борган жойлар ҳам бўлмаяпти. Қишлоқ маҳаллалардан тортиб, йўлигача обод бўлаяпти. Қисқаси, кутиб ўрганган халқ кутавераркан-да, биз ҳам неча йилдирки йўлимиз асфальт бўлишини кутаямиз.

### ТЕГИРМОН ХАМ НАВБАТИ БИЛАН, ЛЕКИН ҚАНИ ЎША ТЕГИРМОН?

**Эшибек МУҲАММАДИЕВ,  
нафақадаги ўқитувчи:**

— Қишлоқ аҳли даромадини асосан деҳқончиликдан, чорвачиликдан қилади. Лекин йўлимиз

абгорлигидан айрим маҳсулотларимизни ўз вақтида сотолмай, нобуд қиламиз. Сотганимизни ҳам арзон-гаровга берамиз. Чунки йўлимиз туфайли маҳсулот олувчилар бу ерга келмайди. Ҳаммамиз ҳам иссиқ жонмиз, гоҳида тобимиз бўлмай қолиб, “Тез ёрдам”ни чақирсак, уни соатлаб кутамиз. Нега вақтида келмадинг, десак йўлни рўқач қилади.

Тегирмон навбати билан, деган гап бор. Шунча йўллар обод қилинаёпти, янгилари барпо этиляёпти, аммо неча йилдирки бизнинг йўлимизга навбат келмайди. Биз туман ҳоқимидан кўп нарсга сўрамаймиз, бор-йўғи йўлимизни яхшилаб берса, бўлди.

### ЙЎЛДА ТУФИЛГАН “ЙЎЛЧИВОЙ”

Қишлоқ фаоллари йўл билан боғлиқ хотираларини ўртоқлашар экан, бир киши айтган ҳолат бутун вужудимни жунбўшга келтирди. У кишининг айтишича, 2019 йилда ҳомилидор келинининг тоби қочиб, туғуруқхонага олиб боришга тўғри келади. Қишлоқ йўли эса, машинани тез ҳайдашга имкон бермайди. Натижанда, келиннинг кўзи йўлда ёриди.

Тўғри, олдинлари бундай ҳолатга табиий қаралган. Шунинг учун ҳам кўплаб чақалоқлар тоғларда, яйловларда, йўлларда туғилган. Лекин у даврлар узоқ тарих-ку! Ахир, биз бугун XXI асрда яшаймиз.

Президентимиз шу йилнинг 17 мартда Самарқанд вилоятига қилган ташрифи чоғида айнан Пайариқ туманидаги муаммоларни тилга олиб, шундай деган эди: “Катта йўл ёритиб қўйилди, орқадаги, ички кўчалар эса қоронғу бўлиб ётади. Одамларга тенг шароит яратиб керак.”

Туманда 145 километр йўллар, 1 миң километр электр тармоғи, 250 та трансформатор ва 54 километр ичимлик суви тизими яроқсиз, 26 та мактаб, 17 та боғча, 4 та қишлоқ оилавий шифокорлик пункти таъмирталган.

Ишсизлар сони 9 миңдан ортиқ. “Темир дафтар”га миңта оила, “Ёшлар дафтари”га 6 миң нафар, “Аёллар дафтари”га эса 2 миң 200 нафар аҳоли киртилган.

Пайариқ туманининг 56 та қишлоғида узоқ йиллар йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилиш учун 83 миң нафар сўм маблағ йўналтирилди.

Адашмасам, узоқ йиллар давомида йиғилиб қолган муаммолар, деганда “Накурт”нинг йўли ҳам назарда тутилмоқда. Топширик берилган, пул ажратилган, аммо ишни бажаришга келганда масъулларда “мадор” йўқ.

### ҲОҚИМ БОВО, СИЗГА НАКУРТЛИКЛАР САЛОМ АЙТИШАЯПТИ...

Икки кунлик сафаримиз поёнига етиб, орта қайтар эканмиз, накуртликлар бот-бот қуйидаги гапларни уқтиради бизга: “Яхшилаб ёзинг, бизнинг вилоят ҳоқимига салом айтганимизни ҳам ёзинг! Токи, йўлимизнинг тақдирини вилоят ҳоқимига боғлиқ экан, у кишидан саҳийлик кутиб қоламиз. Ҳадемай, Мустақиллигимизнинг 30 йиллигини нишонлаймиз. Агар яқин ўртада “Накурт” йўли асфальт қилинса, бизга бундан ортиқ совға бўлмас эди”.

Йўл мавзусига яна қайтамиз!

Ёрбек ИСКАНДАРОВА,  
“Инсон ва қонун” муҳбири








# ОҚДАРЁНИНГ

**БУГУН мактабгача таълим тизими, таъбир жоиз бўлса, синовдан ўтаяпти, дейиш мумкин. Негаки, йиллар давомида боғча, “Боғча опа” дейилса, халқимиз кўз ўнгидида педагогикадан йироқ аёллар тушунилар эди. Энди эса, бундай эмас.**

# БАХТЛИ БОЛАЛАРИ



Президентимизнинг ташаббус ва эътибори билан келажак авлодни боғчаданок билимли, зукко қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор берилмоқда. Халқимизда “Юз ишчига бир бошчи”, деган бир ибратли гап бор. Оқдарё тумани мактабгача таълим бўлими мудири Бахтигул Асророванинг иш фаолияти билан танишиб, шу гап ёдимга келди. Бир нарсани тўғри тушуниш керак, қаердаки, раҳбар билимли, талабчан, тадбиркор, ишбилармон бўлса, ўша жамоада иш бароридан келади. Мактабгача таълим тизими фидойиси Бахтигулни Оқдарё тумани педагоглари яхши билишади. Асли касби ўқитувчи бўлган бу аёл кўп йиллар шу соҳада раҳбарлик лавозимида ишлаган. Талабчан, фидойи, зукко раҳбар.

Бугун нафақат туман марказидаги, балки чекка қишлоқлардаги боғчаларда ҳам таълим-тарбия жараёнлари замонавий педагогик усулда

йўлга қўйилмоқда. Бунда эса, соҳа раҳбарининг ўзига хос тажрибаси қўл келмоқда. Дастлаб кадрлар салоҳиятини оширишга, тажрибали кадрларнинг фаолиятини тарғиб қилишга эътибор қаратилди. Мактабгача таълим соҳасида ишлашга жазм этган кадр борки, унинг педагогик билими, дунёқараши, ташкилотчилик маҳорати ҳисобга олинади. Фаолияти хусусий ёки давлат шерикчилик асосида бўлса ҳам бу жуда муҳим. Оқдарёда мактабгача таълим тизими ходимлари замонавий усулда таълим-тарбия беришга мослашган, бугунги кун талаби билан ишлайдиган мутахассислардан иборат. Мактабгача таълим бўлими раҳбарларидан тортиб тарбиячиларгача ҳафтада ҳеч бўлмаганда битта тарбиявий-методик услуб яратади. Бу ўзига хос тажриба, албатта. Бундан ташқари, боғчага қатнайдиган 3-7 ёшли болаларга инглиз ва рус тилларини ўргатиш, ўқиш

дастурини соддалашган услубда ишлаб чиқишда ҳам оқдарёликларнинг ўз йўли бор.

Энг муҳими, ҳар ойда бир маротаба тарбиячиларнинг фаолияти, иш услуби бўлим томонидан танқидий, таҳлилий ўрганилади. Тарбиячиларнинг иш услуби, тарбиявий ва методик ишларига эътибор берилади. Намунали ва пешқадам тарбиячиларнинг иш тажрибаси туман мактабгача таълим муассасаларида оммалаштириляпти.

Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни маъқул кўрдик, вилоят миқёсида мактабгача таълим тизими ходимлари орасида ибратли бир гап юради. “Оқдарёнинг боғчалари фаолиятини ўрганиб юрманглар, уларда жорий этилган тарбия, методика, тартиб-интизом ҳеч қаерда йўқ!”, дейишади. Бу эътирофда муболаға йўқ, сабаби туманда тизимдаги иш рисоладагидек ташкил этилган.

— Туманимиздаги мактабгача таълим муассасалари сонига эътибор берган ҳар қандай киши кейинги йиллардаги ўзгаришларни, ҳар жиҳатдан ўсишни сезади. Бу биргина охириги уч-тўрт йилдаги ўзгаришларда ҳам яққол кўзга ташланади, — дейди Бахтигул Асророва биз билан сўхбатда.

**Дарҳақиқат, 2017 йилда Оқдарёда мактабгача таълим қамрови 12 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб бу кўрсаткич 60 фоизга етди. Ўша пайтда 22 та бўлган давлат тизимидаги мактабгача таълим муассасалари сони аynи пайтда 30 тага яқинлашди.**

— Хабарингиз бор, шу йилнинг 24 май куни Президентимиз ҳудудларда мактабгача таълим муассасалари қамровини кенгайтириш масалалари муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишини ўтказди. Унда Юртбошимиз бо-

ларда мактабгача бўлган ёшда ақлий фаоллик ошиши, ахлоқий ва жисмоний хислатлар шаклланишини алоҳида таъкидлади. Қолаверса, давлатимиз раҳбари оилавий боғчалар хусусида ҳам тўхталиб, уларга ўқув қўлланма ва методик материалларни бепул етказиб бериш вазифасини қўйди, — дея сўхбатимизни давом эттиради бўлим мудири. — Шунингдек, олис ҳудудларда мактабгача таълим қамровини кенгайтириш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосидаги боғчаларни кўпайтириш ва рағбатлантириш, мактабгача таълим муассасалари ходимларини ўқитиш ва малакасини ошириш бўйича қисқа муддатли курсларни ташкил этиш ҳақида гапирганларида биз яна бир бор қувондик.

Агар Президентимиз талабига жавобан айтиладиган бўлса, бугун туманда 80 та оилавий нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари, 2 та нодавлат хусусийлашган таълим, 7 та давлат шерикчилик асосидаги мактабгача таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Шу ўринда алоҳида эътибор қаратилган бир жиҳат бор — Оқдарёда мактабгача таълим тизимида кадрлар салоҳиятига катта эътибор берилади. Айтайлик, 2017 йилда туманда олий маълумотли тарбиячилар сони 16 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 65 фоизни ташкил этмоқда. Бу ўзгаришлардан кўриниб турибдики, Оқдарёдаги мактабгача таълим муассасаларида замонавий таълим олган, зукко боғча опалар тарбиячилик қилишмоқда.

Туман аҳолисининг бу ҳақдаги фикрлари билан ўртоқлашдик.

— Кўп йиллар Тошкент шаҳрида ички ишлар органларида ишладим, нафақага чиққанмдан кейин қишлоғимга қайтдим, — дейди Кумушкент қишлоғида яшовчи Иброҳим Хайдаров. — Болаларим пойтахтдаги ҳамма шароитлари бор боғчага қатнаган. Уларни ҳар гал боғчага олиб борганимда ёруғ, кенг хоналар, зукко тарбиячиларни кўриб, қишлоғимиздаги шароитлари йўқ, ўзим қатнаган боғча кўз олдимга келарди. Нафақага чиққанмдан кейин олийгоҳ-

ни тамомлаган кичик ўғлим қишлоққа қайтаман, деб туриб олди. Тенгдошларига ўхшаб шаҳарда қолишни истамади. Гапида қаттиқ турди, мақсади жиддий экан, ота-онамнинг дуосини олиш менга шараф, деди-да, қишлоққа қайтди. Бугун набираларимни қишлоғимиздаги боғчага олиб бориб, жудаям хурсанд бўламан. Бизнинг қишлоқ боғчаси ҳам пойтахт боғчаларидан қолишмайди.

Сўхбатдошимнинг фикрлари ўринли, ҳозир келажакимиз эгалари бўлган болаларимизга Ҳукуматимиз томонидан фамхўрлик кўрсатиляпти. Бугун болажонларга берилётган таълим-тарбия, хорижий тилларни ўргатиш фарзандларимизнинг комил инсон бўлиб етишишларига мустаҳкам замин яратаяди, албатта.

— Оқдарёлик болаларнинг бахти бор, — дейди Қора тери қишлоғида яшовчи муаллима Донохон Шодиева. — Бугуннинг болалари бошқача, уларга шунча имкониятлар яратилаяпти. Турмуш ўртоғим билан мен доим ишдамиз. Икки нафар фарзандим бор, бири боғчага боради, яна бири мактабда, 5-синфда ўқийди. Яқинда фарзандларимни кузата туриб, ёш опа-укаларнинг сўхбатини эшитиб, бошим осмонга етди. Боғчага қатнай-диган ўғлим тутилиб-тутилиб бўлса-да, инглиз тилида опаси билан гаплашяпти. Тарбиячиларнинг боламнинг кўнглини топиб, билим бераётганидан суюндим. Бугунги боғча болаларини кўриб, болалигим эсимга келади.

Оқдарёда бўлган кунимиз кичкинтойлар билан ҳам сўхбатлашдик. Уларнинг хорижий тилларни, санъатни ўрганишга бўлган иштиёқи бизни қувонтирди. Бола кўзи билан боқинг дунёга, деган гап тўғри экан. Мактабгача таълим муассасаларида тарбияланаётган фарзандларимизнинг билимга чанқоқлигини, кўзидаги ҳайратни кўриб, улар билан сўхбатлашиб, Ўзбекистоннинг келажиги янада порлоқ бўлишига амин бўласан киши.

**Азим ҚОДИРОВ,  
“Инсон ва қону” муҳбири**





# ФОШ БЎЛГАН ШУМ НИЯТ

**ДУНЁ яралгандан буён яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёвузлик ўртасида кураш бор. Ажабланарлиси, ҳамма яхши бўлишни истаркан ёмонликлар қандай содир бўлади? Атрофингдаги чидаб бўлмас ҳодисаларга гувоҳ бўларкансан, ана шу ўйлар қалбингни тирнайдди. Халқимизда “Сув бир-икки лойқаланиб, кейин тинади”, деган ибора одатда ўзаро жанжаллашиб, сўнг ярашиб кетадиган оилалар, қўни-қўшни ва қаём-қариндошларга тааллуқли.**

Шамси Сафоев билан Маъмур Шахобов маҳалладаш. Анча аввалроқ уларнинг ўртасида гап қочган. Жанжал ур-сурғача бориб етгач, М.Шахобов Ш.Сафоев ҳамда унинг укаси Х.Сафоевга тан жароҳати етказди. Ака-ука касалхонага ётди ва иш судгача боради. Орадан йил эмас, йиллар ўтганди. Маҳалладошлар кўча-кўй, тўй-ҳашамларда гарчи аввалгидек бўлмас-да, салом-адиқлари бор эди. Аммо адоват инсонни йўлдан адаштиради. Акс ҳолда қачонлардир бўлиб ўтган жанжални дилига туғиб, қасос ўтида юрармиди инсон? Маҳаллани, суд бўлган, жазо берилган, ҳатто томонлар ярашиб, бир-биридан узр ҳам сўрашган.

Инсоннинг ичидагини билиб бўлмас экан, деган гапнинг исботи ўлароқ, қарангки, Ш.Сафоев М.Шахобовга ўзи жазо беришни дилига туғиб қўйган экан. Ният, лафз хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон бир кун манзилга олиб боради. Шамсининг чиркин нияти ҳам кун-

дан-кунга унинг қалбини адоватга тўлдирар, елкасига минган шайтонни семирғандан семиртирарди.

Кичик тadbиркорлик билан шуғулланиб, мол боқиб гўшт етиштириб, халқига хизмат қилиб юрган бу шахсни аслида ёмон одам деб, ҳам бўлмасди. Маҳаллада фаол, қийинчилиги борларга ёрдам ҳам қилиб турарди. Унинг хатоси қалбидан хусуматга жой берганида эди. Ана шуғина кўнглига гаразлиқ, ваҳшийлик уруғини қадаб қўйди. У шу қадар ниш урдикки, қўншини ўлдирдиш, уйига ўт қўйиш, оиласини йўқ қилишдек режасини ҳам тузиб чиқди. Ш.Сафоев бир неча бор жиноят содир этиб қамалиб чиққан ҳамюрти Фотих Жаниевга ёвуз режасини айтиб, ундан ёлланма қотил топиб беришини сўрайди. У қалби тош бўлиб кетган, деб ўйлаган Фотихнинг ҳам бу релжан юраги хушёр тортиб

кетди. Ш.Сафоевни бу йўлдан қайтармоқчи ҳам бўлди. Аммо қарор қатъий эди.

— Қотилни ўзинг топасан ва ўзинг гаплашасан. Мен сенларга пул тўлайман. Иш силлик, иси чиқмайдиган бўлиши керак.

Хизмат ҳаққи 3000 АҚШ долларига баҳоланди. Дастлаб 100 АҚШ доллари берган Сафоев Фотихни қўлига яна 1400 АҚШ долларини тутқазди.

— Қолганини Маъмурнинг ўлигини кўрганимдан сўнг оласизлар. Уни қандай ўлдирганларингни расмга олиб келасан.

Фотих мудҳиш жиноят содир бўлиши, бир инсон бевақф, бешафқат ўлим топиши, бир эмас, бир неча киши эса оғир жиноятга қўл уриши мумкинлигини кўриб турарди. У қалб амри билан бу жиноятнинг олдини олишга қарор қилди.

Режа қандай бўлса

шундай давом этди. Фақат эзгулик йўлида. Маъмур Шахобов ҳам оғоҳ этилди. Ўз ўрнида унга грим қилиниб, “ўлик” холдаги сурати Ш.Сафоевга кўрсатилди ва у иш якунидаги пулларни Ф.Жаниевга тутқазётган вақтида қўлга олинди. Албатта, Ш.Сафоев вазиятдан чиқиш, ўзининг жиноий қилмишини хаспўшлаш йўлида турли важлар келтириши табиий эди ва шундай бўлди ҳам.

Суд мажлиси давомида ҳуқуқни муҳофаза этувчи идора вакиллари томонидан Ф.Жаниев телефонига мослаштирилган овоз ёзиш қурилмасида ёзиб олинган сўзлар унинг ҳақиқий юзини, қабиҳ ниятини очиб ташлади. Айбдор қонун доирасида жазоланди.

**Ақром АРИПОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий суди бош**  
**консуланти**

**ХАЛҚИМИЗДА** кексаларни ҳурмат қилиш, эъзозлашдек ўлмас қадрият бор. Шу боис барча кексалар фарзанд ва набиралар куршовида алоҳида эъзозда бўлишади. Қолаверса, улар кексалик гаштини суришлари учун давлат, жамият ва оила томонидан зарур шароитлар яратилган.



**СЎНГГИ ПУШАЙМОН..**

Афсуски, бу имконият ва қулайликлардан барча ёши упулгар ҳам бирдек баҳраманд бўлаётгани йўқ. Чунки ёшлиқда қилинган хатоларнинг жавобини эртаими-кечми барибери беришга тўғри келади.

“Қаҳрамон”имиз Тошпўлат Жўраев (исм-шарифлар ўзгартирилган) куч-қуввати бор вақтида оиласини ташлаб, бошқа аёл билан турмуш қурди. Яъни, фарзандларини тирки етим қилди.

Халқимизда “Биринчи савдо-савдо, кейингиси ғавго”, деган нақл бекорга айтилмаган. Кейинги турмуш ўртоғи билан кун кўриш мақсадида аввал Россия Федерациясида ишлади. Сўнг Ўзбекистонга қайтгач, ижарада яшаб, ҳаловатсиз ҳаёт кечирди. Бундан ташқари, иккинчи турмуш ўртоғи билан бўлагидан доимий, қундалик жанжал ва низолар унинг ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Ёши олтишидан ўтганига анча бўлишига қарамасдан, туну кун киракашлик билан шуғулланишига мажбур бўлди.

Ҳаётнинг ўз қонун-қоидаси бор. Инсоннинг имкониятлари ёши ўтган сари камайиб бораверади. Амир Темурнинг “Олтмишдан ошган отадан ош сўрама”, деган ибратли ўғитини яхши биламиз. Т.Жўраевнинг шаръий никоҳдаги аёли билан маблағ масаласида бўлиб турган жанжали тобора жиддийлашиб, охири фожиа билан якунланди.

2021 йил 18 январь кечки соат 21:00 да Ширин шаҳар “Дўстлик” маҳалласидаги уйда Т.Жўраев турмуш ўртоғи Шаҳноза Бўриева билан юзага келган озғаник жанжалда аёлининг қўлидаги ошхона пичоғини унинг қўлини қайирган ҳолда тортиб олди. Кейин Тошпўлат ака ана шу пичоқ билан рафиқасига беш маротаба зарба бериб, оғир шикаст етказди. Оқибатда, Шаҳноза жон таслим қилди. Сўнгра эр бўлмиш Ширин шаҳар ички ишлар бўлимига келиб, ўз айбига қиркорлик билдирди. Бу ҳақда ариза ҳам ёзди.

Яқинда мазкур иш жиноят ишлари бўйича Ширин шаҳар суди томонидан очиқ суд мажлисида қўриб чиқилди. Суд судланувчининг олтими ёшдан ошганлиги, жиноятни очига ёрдам берганлиги каби жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олган ҳолда жазо тайинлади.

Қилмиш — қидирмиш, дейди доно халқимиз. Тошпўлат Жўраев ҳам ўз қилмишига яраша жазосини олди. Навқирон даврида оиласидан воз кечганлиги, енгил ҳаёт ва нотўғри йўлни танлаганлиги ўзига қимматга тушди. Ваҳоланки, айни пайтда у тенгдошлари қатори кексалик гаштини суриб, умргузаронлик қилиши мумкин эди. Аксинча, Тошпўлат ака қолган умрини темир панжаралар ортда ўтказишга мажбур бўлди. Балки у ҳозир ўтган умридан, қилмишларидан пушаймондир. Аммо энди сўнги пушаймондан фойда бўлармикан?

**Ҳабибулла САРМАНОВ,**  
**жиноят ишлари бўйича Ширин шаҳар суди раиси**

# ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВДА НИМАЛАР ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

**ТЕРГОВГА** қадар текширув жараёнида жиноят ишнинг қўзғатиш, жиноят ишнинг қўзғатишини рад этиш масалалари ҳал этилади, бу босқиннинг муҳимлиги ҳам шундадир. Чунки жиноят иши қўзғатилгандан сўнг шахс гумон қилинувчи ёки айбланувчи тарихида ишга жалб этилиши муқаррар ва бу ўша шахснинг ҳаётий фаолиятига таъсир ўтказиши.

Терговга қадар текширувда бир қанча процессуал ҳаракатлар билан бир қаторда, айрим тергов ҳаракатлари ҳам ўтказилади ҳамда қатор процессуал ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Албатта, ҳар бир босқичда бўлгани каби, терговга қадар текширув босқичида ҳам процессуал қонун нормаларининг бузилиши учраб туради. Шу билан бирга, терговга қадар текширув босқичида процессуал шаклга риоя этиш билан боғлиқ бўлган айрим муаммолар ҳам йўқ эмас.

Биринчидан, терговга қадар текширув босқичида ишга жалб этилган шахсларнинг аниқ ҳуқуқий мақоми ва аниқ ҳуқуқ ва мажбуриятлари белгилаб қўйилмаган. Бу эса, мазкур босқичда ишга жалб этилган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилишига сабаб бўлмоқда.

Президентимизнинг 2018 йил 14 майдаги Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясида терговга қадар текширув жараёнига жалб этилган, шунингдек, жиноят иши қўзғатилгунга қадар ушланган шахсларнинг процессуал мақоми белгилаш назарда тутилган.

Иккинчидан, Жиноят-процессуал кодексининг 330-моддасида жиноятга оид маълумотларни қўриб чиқиш натижасида қабул қилинадиган қарорлар назарда тутилган бўлса ҳам, келиб тушган жиноят тўғрисидаги аризалар-

нинг тегишлилиги бўйича юборишнинг процессуал муддати белгилаб қўйилмаган. Бу эса, жиноят ҳақидаги аризани қўриб чиқиш муддати қайси вақтдан бошланиши тўғрисида муаммоли вазиятни вужудга келтирмоқда. Ушбу ҳолат кўпчилик содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақида келиб тушган аризаларни қўриб чиқиш муддатининг бўзилишига сабаб бўлмоқда. Шунингдек, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни тақдим этган шахсларга жиноят тўғрисидаги ариза ва хабарларни қўриб чиқиш натижалари бўйича қабул қилинган қарор ҳақида хабар бериш тартиби белгилаб қўйилмаган.

Суд-тергов амалиётида эса, жиноят ҳақида аризани қўриб чиқиш натижалари бўйича аризага хабар беришда фақат чиқиш хатлари журналида қайд этилган муддат ҳисобга олинмоқда.

МДҲга аъзо давлатларда, жумладан Россия Федерацияси, Қозғоғистон, Беларусь каби бир қатор мамлакатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қўриб чиқиш натижасида уларни тегишлилиги бўйича юбориш муддати белгилаб қўйилган.

Республикамизда жиноятга оид аризалар ва хабарларни қўриб чиқиш

тартибини такомиллаштириш зарур. Жиноят ҳақидаги имзосиз, қалбаки имзоли ёки уйдирма шахс номидан ёзилган хат, ариза ёки бошқа аноним хабарлар жиноят белгилари мавжудлигини кўрсатувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлса, қонунда назарда тутилган тартибда текшириб чиқилиши ҳамда жиноят ишнинг қўзғатиш учун сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қонунда жиноят-процессуал қонунчиликка киритиш зарур. Ариза ёки хабарни у олинган вақтдан бошлаб йигирма тўрт соатдан кечиктирмасдан терговга тегишлилиги бўйича юбориш, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни қўриб чиқиш натижасида қабул қилинган қарорнинг нухасини йигирма тўрт соат ичида ариза бериувчи (маълумот берган шахсга) ҳамда прокурорга юбориш амалиётини йўлга қўйиш керак. Мазкур тартибнинг жорий этилиши жиноят процессида шахснинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга ҳамда иш бўйича қонуний, асосли ва адолатли қарор қабул қилишига хизмат қилади.

**Ҳислатжон ҚЎҚОНБОВ,**  
**Судьялар олий мактаби тинловчиси**

Инсон  
ва ҚОНУН

МУАССИС:  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

“Адолат” илмий ҳуқуқий  
ахборот маркази нашри

info@adolatmarkazi.uz

2007 йил 3 январда  
Ўзбекистон

Матбуот ва ахборот  
агентлигида

0081-рақам билан  
рўйхатга олинган

ISSN 2020-7477

4722010747008

Бош  
муҳаррир

Қўқор  
НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Тошқуллов Ахбар Жўрабоевич

Рабиёв Шерзод Миржалилович

Тожиёв Фуқрат Шомуродович

Искандаров Ёрбек Нурбекович

Эргашева Дилфуза Рустамовна

Таҳририятга келган  
қўлёзмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифга  
қайтарилмайди.

Навбатчи  
Хўришд Султонов  
Саҳифаловчи-  
дизайнер  
Жасур Тожиёв

Нашр индекси: 137

“ИНСОН ВА ҚОНУН” газетаси таҳририят компьютер базасида тарқиди ва саҳифаланди. А-3 бичимида, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Тиражи — 4090  
Буортма — V-4696

Топшириш вақти — 19:00  
Топширилди — 20:30

МАНЗИЛИМИЗ:

100 115, Тошкент ш.  
Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳоси келтирилган нархда

1 2 3 4 5





# “ҒАЛАБА БОҒИ ФАЛСАФАСИ”

## ЁХУД ТАРИХИЙ АДОЛАТ ТАНТАНАСИ ҲАҚИДАГИ КИТОБ

**АКАДЕМИК Акмал Саидов мазсувиеқ кишининг эътиборини тортадиган мантқан пишиқ, моҳиятан қўламдор ва мазмунан бутунлай янги бир китоб ёзибди. Муаллифининг етук ҳуқуқшунос олим сифатидаги қувваи ҳофизиси тарихий адолат билан бузғун реалликини уйғунлаштирган ҳамда миллий давлатчилик ривожини учун зарур тарихий, ҳуқуқий ва замонавий новеллани ижод қилиш имконини берган. Зеро, Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган ва ўша машаққатли даврда фронт ортида оғир ҳамда ҳалол меҳнати билан метин матонатини намойиш этган ота-боболаримиз, муқаддас аёлларимиз ҳақидаги тарихий факт миллий давлатчилигимиз ҳамда халқимиз тафаккури ва ёшларимиз учун ҳам катта маърифий-тарбиявий аҳамиятга эга.**

### “ҒАЛАБА БОҒИ ФАЛСАФАСИ” ЁКИ КИТОБНИНГ МОҲИЯТИ

Китобнинг фалсафасини давлатимиз раҳбарининг ташаббуси ва гоёси асосида бунёд этилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуасининг яратилиш тарихи, мазмун-моҳияти ҳамда аҳамиятига бағишланганда кўриш мумкин. Яъни, муаллиф китобда адолат, миллий давлатчилик, ҳуқуқ, инсон ҳуқуқлари, хотира ва кадр каби қўламдор масалаларнинг конституциявий аҳамиятини содда, тушунарли тилда фактик материаллар асосида ёритиб берган. Хотира ва кадр каби қўламдор асосида илк бор яхлит асар сифатида нашр этилган мазкур китобнинг фалсафаси куйидагиларда намоён бўлади.

**Биринчидан**, Конституциямизда фуқаро ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқ ва бурчлари билан ўзаро алоқадорлиги тўғрисида алоҳида норма мавжуд. Унга кўра, давлат ўз фуқароларининг муносиб хизматларини ҳамда шайхона эътифоди ва кадрларини унинг аҳамиятига кўра давлатнинг фалсафаси куйидагиларда намоён бўлади.

**Биринчидан**, ўтган 76 йил мобайнида илк бор Иккинчи жаҳон уруши мардик ва жасорат, фронт ортида матонат ҳамда инсонпарварлик намуналарини кўрсатган қўлмиллатли Ўзбекистон халқининг фалсафаси устидан қозонилган Буюк Ғалаба таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасини чуқур ўрганиш ва кенг қўламда тарғиб этиш ишига давлат миқёсида Ўзбекистон Президенти томонидан ҳолисона ҳамда комплекс ёндашилди. Масалала тор сисий манфаат нуктаи назардан эмас, адолат, миллий манфаат ва тарихийлик нуктаи назардан ёндашилган ёхуд уларнинг мард ва танглиги, ватанпарварлиги шарофати туфайли ҳаётимиз файзли ва баракали эканлигининг китобда ифодалангани унинг фалсафасини англатади.

**Учинчидан**, Иккинчи жаҳон уруши катташчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, уларнинг бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ҳеч шубҳасиз, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, умумий аҳолисининг ярмидан кўпи ёшлар бўлган Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий давлатчилигимизни шакллантириш, адолат ва тарихий хотирани тиклаш, ҳуқуқ ва бурч тенглигини таъминлашда ушбу асарнинг фалсафаси асосидаги шубҳасиз.

### ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ГОҲСИ ВА ҒАЛАБА БОҒИ ФАЛСАФАСИНING УЙҒУНЛИГИ

Китобда пойтахтимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан бунёд этилган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси янгича фикрий янгилашни, ўзбекона фалсафа, таъбир жоиз бўлса, халқона сисийнинг амалдаги ёркин натижа эканлиги асосида тарзда ёритилган. Бундай одамларни рози қилиш борасидаги бунёдкорона ёндашув Янги Ўзбекистоннинг шиддатли ислохотларига ҳос муҳим ҳусуният ҳамдир. Чунки, ҳар бир инсон бобо ва бувилари тарихий матонатнинг объект ва субъектив сабабларга кўра сисийт соясида қолишини эмас, аксинча, адолатли кадр топшини хоҳлайди. Бебаҳо соғлиги, умри, тинчлиги, ороми ва бахтидан воз кечган бундай фидойи ватанпарвар инсонларнинг аччиқ ва фожиали тақдирини барча замонларда ҳам ибрат бўлишга дейлик. Айниқса, уларнинг ўз ҳуқуқидан кўра бурчларини чуқур англагани ва уни шараф билан бажаргани бутунги кун учун

зарур бўлган ҳуқуқий маданият ёки ватанпарварлик ҳамда инсон ахлоқини шакллантириш долзарб ва устувор вазифаларни амалга оширишда ҳам бекиёс аҳамиятга эга.

Китоб масаланинг моҳиятини теран англаш, чуқур фалсафий, сисий ва ҳуқуқий билим, катта ҳаётий тажриба, дунё тажрибасини манглики ҳамда тўғри муқояса қилиш асосида яратилган. Уни шунчаки ўқиб бўлмайди. Бунинг иложи йўқ. Бунга китобда келтирилган таъсирчан воқеалар, эҳтиросли жиҳатлар, ўқувчини ҳаяжонган соладиган фактик маълумотлар изн бермайди. Мутолаага киришган ҳар бир инсон унда бехосдан ўзини ёки яқинини кўриши табий. Сабаби, китобда кўтарилган муаммо шу замин ва унда яшган, яшаётган нажиб инсонлар билан бевосита ёки билвосита боғлиқ.

Мазкур китобни шунчаки маълумотлар йиғиндиси, деб бўлмайди. Чунки у ўқувчидан тарихда Иккинчи жаҳон уруши, деб ном олган қонли жанг-ғоҳларда ва фронт ортида кўрсатган қаҳрамонлигининг юксаклиги, фанисларига қарши бу урушда қозонилган буюк ғалабани Ўзбекистонсиз, ўзбек халқисиз асло тасаввур қилиб бўлмаслигини идрок этишни талаб қилади. Ушбу таъсирли, қонли воқеаларни ўзда мужассам этган бу китобни фалсафий, тарихий, педагогик, сисий ва юридик асар, дейиш мумкин. Қолаверса, у китобхона акс эттирилган фактик материаллар орқали миллий гуруҳининг шаклланиши билан бирга унда халқ жамияти ва давлат олдидаги масъулиятининг ошиши ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

Авалло, шунинг таъкидлаш керакики, Президентимиз таъбири билан айтганда, “бу бетакрор мажмуа қаҳрамон халқимизга муносиб бўлиб, ҳам мейморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан гоёт ноёб ва маҳобатли обида бўлиб қад ростлади”. Мазкур таърифта Ғалаба боғи “бетакрор” ва “гоёт ноёб”, дея эътифод этилгани бекиёс эмас. Бунинг боиси шунки, Ғалаба боғи халқнинг шаъни, гурури, иродаси сифатида гавдаланади.

**Биринчидан**, ўзбек халқининг Иккинчи жаҳон урушидаги қаҳрамонлигининг рамзи ўта муҳим ва қисқа ҳамда расмий бўлиши эмас, у комплекс, аниқ фактлар асосида ҳамма учун кенг қўламини, таъсирчан тарбиявий аҳамиятга эга, ҳаққоний ва адолатли тарзда бетакрор ифодаланганда кўринади.

**Иккинчидан**, Иккинчи жаҳон урушида халқ бўлган неча минглаб юртдошларимиз хотирасини ёд этиш, оловли жанглардан омон қайтган боболаримизга, оғир кузларни сабр-бардош билан енгган, машаққатли дамларда ҳам ўзлигини асло йўқотмаган, иймони бутун юртдошларимизга ҳурмат-эҳтиром ва эъзоз кўрсатиш Ўзбекистонда олиий даражадаги миллий кадриятга ва давлат сисийтга айланганининг ўзинга ҳос гоёт ноёб ифодасидир.

### “ҒАЛАБА БОҒИ ФАЛСАФАСИ” КИТОБНИНГ АҲАМИЯТИ

Маълумки, китобда Ғалаба боғининг яратилиши дастлаб давлатимиз раҳбарининг гоё ва ташаббуси, ташкилий ҳуқуқий асос, фахрийлар, тарихчи олимлар, ижодкор зиёлилар, кенг жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазалари, тақлиф ва тавсиялари асосида ташкил этилгани асосида баён этилган. Бунинг маъносини шуки, мейморал мажмуанинг ташкил этилишига истикболли стратегия, пухта тайёргарлик, аниқ мейморий концепция, кенг жамоатчилик фикри ёки тақлиф ва тавсиялари эътиборга олиниб киришилгани ўз ифодасини топган. Натижада Ғалаба боғи концепциясини амалга оширишда у моҳият эътибори билан халқимизнинг уруш йилларида кўрсатган мардик ва матонатни, юксак инсоний фазилатлари, қаҳрамон аждодларимизнинг номлари, шонли аънава ва кадриятларини абадийлаштириш ҳамда юртимизда инсон хотираси азиз

ва муқаддас, кадр улуғ эканини таъкидлаш ёхуд ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилганини эътиборга олиб, ушбу гоёни таъсирчан бадиий-монументал усуллар, инновацион ечимлар асосида ифода этишга алоҳида аҳамият берилгани китобда ўз ифодасини топган.

Шундай қилиб, китобни мутолаа қилиш давомида тарихий-бадиий ёдгорлик иншооти сифатида мазкур мейморал комплекснинг ўз мазмун-моҳиятига кўра, давлат ва жамият миқёсида куйидаги устувор вазифаларни ўзда мужассам этганини кўриш мумкин.

**Биринчидан**, Ғалаба боғидаги ҳар бир ёдгорлик объект ва куризма, музей экспонатлари халқимиз, айниқса, ёшларни урушнинг даҳшатли ва фожиали оқибатларини ҳеч қачон унутмасликка қорайди. Шу нуктаи назардан, Ғалаба боғи навқирон авлодларимизни бутунги тинч ва осуда ҳаётни ардоқлаш ҳамда мустақилликнинг қадрига етишга, доимо оғоҳ ва хушёр бўлиб яшаш, Ватан ҳимоясига ҳамisha тайёр туриш руҳида тарбиялашда улкан аҳамият касб этади.

**Иккинчидан**, Ғалаба боғида Тошкент шаҳри аҳолиси ва еҳмонлари тарих билан ҳамнафас бўлиб, ўтганлар хотирасини ёд этиши, уларга хурмат баҳо келтириши учун барча шарт-шароитлар яратилган.

**Учинчидан**, шу билан бирга, зиёратчиларнинг мазмули дам олиши, оммавий маданият тадбирлар, ижодий учрашувлар, адабий кечалар ўтказиш учун жамият кулайликлар муҳайё этилган. Аҳоли ва хоржилик сайёҳларнинг кўнгилли сайр этишини таъминлаш учун боғ худудида ободонлаштириш ва кўккаламзорлаштириш ишлари ўзинга ҳос дизайнда амалга оширилди.

**Тўртинчидан**, ана шундай улуғвор бунёдкорлик ишлари билан бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон халқининг Буюк Ғалабага қўшган улкан ҳиссасини янада чуқурроқ ўрганиш борасида ҳам муҳим натижалар қўлга киритилди. Президентимизнинг тавсиялари асосида бу борада оз фурсатда катта илмий тадқиқотлар ва жиддий таҳлилий изланишлар амалга оширилди.

### “МАТОНАТ МАДҲИЯСИ” ЁДГОРЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ

Китобда “Матонат мадҳияси” деб аталган музаам обида она-Ватан рамзи бўлиб қад ростлаган таъсирчан услубда ифодаланган. Унга кўра, мазкур ёдгорлик мажмуаси қандайдир бадиий образ эмас, унга ҳаётда бўлган воқеа асос қилиб олингани баён этилган. Тошкент вилояти Зангиота туманида яшаган Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш ўғилдан — Исоқжон, Аҳмаджон, Махаммаджон, Ваҳожон, Юсуфжон исми азиз фарзандларидан жудо бўлган. Унинг тўрт нафар келини бева, беш набираси эса, етим бўлиб қолган. Келинлари ҳам Зулфия аядан ўрнак олиб, ўз оиласига содиқ қолган ва бошқа турмуш қуришмаган.

Шунингдек, китобда бу масалала қизиқ ва янги факт келтирилади. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Алиназар Эгамназаровнинг сўзларига кўра, **Иккинчи жаҳон урушида бир ояладан беш нафар фарзанд урушга кетиб, ҳеч бири қайтмаган ояла дунёда учга бўлиб, иккитаси Беларусь ва АҚШда, яна бири Тошкент вилояти Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая Зокирова оиласидир.** Она Иккинчи жаҳон урушида беш ўғилдан жудо бўлган.

2019 йили Хотира ва кадрлар кунинда давлатимиз раҳбари Зулфия Зокирова ва унинг фронтдан қайтмаган беш ўғил, садоқатли келинлари хотирасига атаб муҳташам хайкал ўрнатиш ҳамда унга “Матонат мадҳияси” деб ном бериш тақлифини билдирган эди. Бу ташаббусни жамоатчиликнинг қизгин қўллаб-қувватлади.

“Матонат мадҳияси” монументи ўзбек аё-

лининг адоқисиз меҳр ва бардоши, садоқати ва матонати рамзидир. Ўзбекистон Президентини таъбири билан айтганда, “бу — Ўзбекистондаги барча оналарга қўйилган хайкал. Ушбу ёдгорлик бутун халқимиз учун култув зиёратгоҳга, ояла, муҳаббат, вафо ва садоқат тисмолига айланиб қолади. Бу ерга келган ёшлар миллиятимизнинг қонида бўлган фазилатларини англаб, уларни кадрлар яшашга интилади”.

### АЙРИМ ТАРИХИЙ САБОҚЛАР

Азиз китобхон, Агар Сиз “Мангу жасорат”, “Кўз ёши” монументлари ва “Шон-шараф” музейи билан боғлиқ қизиқ тарихий воқеа ва ҳолисаларни билишни истасангиз, албатта, китобни яхлит тарзда тўлиқ ўқинг. Кетган вақтингизга ачинамай-сиз. Ахсинча, кўп фойда кўрасиз. Китобда иймон, садоқат вафо, сабр, ахлоқ, адолат, ҳақиқат, ҳуқуқ, бурч ва камтарлик каби инсоний тушунчалар мазмуни ва амалий ифодасини ўрганадиз.

Модомики, гап Иккинчи жаҳон уруши ҳақида борар экан, муҳим бир мантқан эсдан чиқармаслик лозим. Уруш тугаган йили 1945 йилда тутилган ўғил қизларнинг ёши бутун 76 га кирган. Мабодо, ўша пайтда 18 ёшида фронтга кетган йилгит ёки қизингит ёши у ҳаёт бўлса, 94 ёшда бўлади. Буни ўша пайтда энг кичик бўлган ёшга нисбатан олиб айтмоқдамиз.

Энди у пайтда ёши 24 ёки ундан катталарини тасаввур қилиб кўринг. Шунда роппа-роса 100 ёшга кирган ва ошган бўларди. Урушга кетиб тирик қайтганларнинг даяри барчаси соғлигининг бирор қисминини йўқотиб қайтган, фронт ортидагилар эса, ўз бахти ва оромидан воз кечиб, энг яқин одамларидан айрилиб қолишса-да, фақат сабр ва шукр қилиб яшаган, бу инсонлар том маънодаги қаҳрамон эмасми?

Улар ҳеч қимдан ҳеч қачон ҳеч нарсани умидвор бўлишмаган. Борига қаноат, йўғига шукр қилган шу инсонлар барчамизга ибрат эмасми?

Сисийт ёки давлат шакли ва мафқурасидан қатъи назар, Ватанини ҳимоя қилишни ўзларининг муқаддас бурчи, деб билган ҳамда унга қатъий амал қилган бобо ва бувиларимиздан бутун кўп нарсаларни ўрганишимиз ёхуд улар ҳақида кўп нарсани билишимиз керакмасмикан?

Тўғри, ўзининг матонати, хуш ҳули, иродаси боис қимдир 60, 70, 80 ёки 90 хатто 100 ёшида маълум маънода кадр топди. Лекин бу энг кадрли кишини ёки азиз нарсасини сизу биз ва Ватан учун йўқотиши эвазига бўлганини улар билишди. Бирок уни ҳеч қимга, ҳеч қачон айтишмаган ва айтишмайдилар.

Дарҳақиқат, маърифат ақлу фаросатнинг натижасидир. Маърифат соғлом фикрлаш, ҳалол меҳнат қилиш — қаноат қилиш, инсоннинг онгу шуури ёрдамида қимматли вақтинги тўғри сарфлаш ва ҳаётини мазмулли ўтказишни демек.

Шундай қилиб, маърифат — одамгарчиликнинг бош мезони, ўзингга ва ўзгаларга керак бўлиш ва нафи тегиш, ҳаётда муносиб из қолдиришдир. Шу тарика, маърифатга йўрилган “Ғалаба боғи фалсафаси” китобини ёшлар ўқисин, ўрта ёшлар ва ёши улуғлар, зиёлилар, ишчилар, ўзини ўзбекман — Ўзбекистонликман, деганлар ўқисин. Ўқиб, уқисин. Ва унга амал қилишсин. Шунда кўпчилигимизнинг инсон — жамият — давлат ҳамда ҳуқуқ ва бурч ҳақидаги тасаввуримиз кенгайди.

**Ҳалим БОБОЕВ,**  
Ўзбекистон фан арбоби, Тошкент давлат  
юридик университетини профессори,  
юридик фанлар доктори,  
Эшмуҳаммад ҚОДИРОВ,  
Тошкент давлат юридик университети  
профессори в.б., юридик фанлар  
доктори